



“КАНЗУДДАҚОИҚ” АСАРИ ҲАНАФИЙ МАЗҲАБИНИНГ МЎЃТАБАР МАНБАЛАРИДАН БИРИ СИФАТИДА

Фарҳод Жўраев

Имом Бухорий номидаги Тошкент
ислом институти “Ақоид ва фиқҳий
фанлар” кафедраси мудири

Таянч сўзлар: фиқҳ, фақиҳ, фиқҳий мазҳаб, ҳанафиӣ, матн, муҳтасар, мужтаҳид, муфассал, шарҳ, хазина, илм, нозик, асар, масала, хуқуқ, иллат, далил, имом.

Ключевые слова: юриспруденция, юрис, юридическая доктрина, ханафи, текст, краткое, трудолюбивый, детализированный, объяснять, сокровище, образование, мучной, работа имеет, вопрос, права, причина, доказательства, имам.

Key words: jurisprudence, law, legal doctrine, hanafi, text, short, hard work, detailed, explain, treasure, education, flour, work has, question, the rights, cause, evidence, the imam.

Буюк тарихимиз сарлавҳаларини варақлар эканмиз, диёримиздан етишиб чиққан олимлар илмнинг барча соҳаси ривожига ўзларининг бекиёс ҳиссаларини қўшганларига гувоҳ бўламиз. Улар араб тили, тафсир, ҳадис, ақоид ва фиқҳ-шариат қонун қоидалари^[1] илмларига оид бетакрор асарлар битиб, ислом умматига тақдим қилганлар. Уларнинг бой илмий-маънавий ва маърифий мероси ҳанузгача ўз қийматини йўқотмаган. Диёримиз уламолари ва уларнинг асарлари нафақат ўз юртларида, балки бутун дунёда шуҳрат қозонган.

Ана шундай олимлардан бири Ҳофизуддин Абуль Баракот Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Маҳмуд Насафий (1027-1301)дир^[2]. Хайруддин Заркалийнинг “Ал-аълом” деган китобларида айтилишича, у зот Насаф, яъни ҳозирги Қарши шаҳрининг яқинидаги, Қовчин деган қишлоқда таваллуд топган эканлар. Бу улуғ алломанинг таваллудларина салкам 1000 йил бўлиби.

Абуль Баракот Насафий раҳимаҳуллоҳ Абу Мансур Мотуридий асос солган мутуридия ақидавий мазҳаби уламоларининг энг машҳурларидан бўлиб, ушбу таълимотнинг ёйилишига энг кўп ҳисса қўшган. Ўша вақтда чиққан мўѓтазилия, жаҳмия, карромия, ботилия каби оқимларнинг носоғлом фикрларига қарши курашганлар, уларга ишончли ҳужжатлар билан қаттиқ раддия берганлар. У зотнинг динимиз соғлигини сақлаш йўлидаги хизматлари мана шу ерда яққол намоён бўлади. Бу зот ўз даврида пайдо бўлган турли адашган оқимларга қарши турганлар. У зотнинг биринчи узтозлари – оталари Муҳаммад ибн Муҳаммад бўлганлар. У зот ҳаётларининг кўп қисмини Самарқанд ва Бухорода ўтказганлар. У даврларда Самарқанд вабухоро Ислом оламининг кўзга кўринган



илем марказларидан эди. Абул Баракот Насафий раҳимаҳуллоҳ қомусий олим сифатида диний илмларнинг барча соҳасида асар битган[3].

И момга замондош бўлган ва кейин келган уламоларнинг барчаси бир овоздан у зотнинг барча илмларда пешво эканини эътироф этишган. Уламоларнинг тажимаи ҳоллари борасида ёзилган китоларда у зот ҳақида “Шайх, улуғ имом, пешқадам аллома, Ер аҳлининг устози, суннат ва фарзнинг жонлантирувчиси, Қуръон маъноларини кашф қилувчи, таъвилинг нозик жиҳатларини билувчи, Илоҳий калом таржимони, маъоний ва баён илмлари соҳиби, фиқҳ ва усул ал-фиқҳнинг билимдони, ақлий ва нақлий масалаларнинг таянчи, дин ва миллат ҳимоячиси, ислом ва мусулмонлар етакчиси, пайғамбарлар илмлари меросхўри, етук мужтаҳид, муҳаққиқ олимларнинг машҳури” каби сифатлар битилган. Шунингдек, “Хофизуддин – динни ҳимоя қилувчи”, “Алломаи дунё – дунё уламоси” ва “Қуръон таржимони” каби лақабларга ҳақли равишда сазовор бўлган[4].

Маълумки, ҳар бир мазҳабнинг фиқҳий матн китоблари мавжуд. “Фиқҳ” сўзи луғатда дақиқ фаҳмни, яъни бир нарсани нозик жойларигача тушунишни англатади. Ана шундай малакага илмий малакага эга бўлган одамни “фақиҳ” дейди. Шариат истилоҳида эса шаръий далиллардан фаръий ҳукмларни чиқаришга “фиқҳ” дейилади. Ушбу таърифдаги “шаръий далил” истилоҳидан асосан Қуръони карим оятларини ва Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг суннатларини тушунамиз. “Фаръий ҳукмлар” эса луғатда аслийнинг тескариси, яъни шохобча, кичик аҳамиятли деган маънони англатади. Шариатда эса ибодат ва муомалотларни ўз ичига оловчи ҳукмлар фаръий ҳукмлардир. Бир сўз билан айтганда фиқҳ илми – Ислом шариатидаги амалий ҳукмлар ҳақидаги илмдир. Фиқҳ илмида матн услубида ёзилган асарлар ибораларининг қисқалиги, ўқилиши осонлиги, далил ва хужжатлари зикр этилмагани, заиф ривоятлар ва кучсиз сўзлар учрамаслиги ҳамда энг аҳамиятли масалалар зикр қилингани ва унга кетадиган вақтнинг тежалиши билан батафсил ёзилган фиқҳий манбалардан ажralиб туради. Уламоларимиз томонидан ҳанафий фиқҳига доир кўплаб фиқҳий матнлар ёзилган. Буларга мисол тариқасида “Мухтасарут Таҳовий”, “Хизонатул фиқҳ”, “Мухтасарул Кархий” ва “Туҳфатул фуқаҳо” каби асарларни зикр қилиш мумкин. Бироқ кейинги уламолар “Мухтасарул Қудурий”, “Виқоятур ривоя”, “ал-Мухтор лил фатво” ва “Канзуд дақоиқ” асарларини ҳанафий фиқҳидаги энг мўътабар фиқҳий матнлар, деб эътироф этишган.

Абул Баракот Насафийнинг “Канзуд дақоиқ” асари ана шу мўътабар фиқҳий матнлардан бири бўлиб, улар орасида ўзига хос ўринга эга. Ибн Обидин раҳматуллоҳу алайҳ ушбу китобни таърифлаб: “Албатта, “Канзуд дақоиқ” ҳанафий мазҳабидаги мўътабар матнлардан бўлиб, мазҳабдаги масалаларни нақл қилиш учун битилгандир”, деган[5].



Ушбу китобнинг тўлиқ номи “Канзуд дақоиқ фи илмил фуруъ” (Фуруъ илмида нозик масалалар хазинаси) бўлиб, муаллифнинг “ал-Вофий фил фуруъ” (Фуруъул фиқҳ борасида вафо қилувчи) асаридан қисқартириб олинган[6]. Муаллифнинг ўзи асар муқаддимасидатолиби илмларнинг кенг ва катта ҳажмли китобларни ўқишидан зерикишлари, инсон табиати қисқа битилган китобларга рағбатли эканлигива вақт тежалиши сабабли ушбу китобни ёзганини айтган.

Асарнинг қисқалиги ва уни “Канзуд дақоиқ” деб номланиш сабабини имом Бадруддин Айний ушбу асар шарҳи бўлмиш “Ромзул ҳақоиқ”нинг муқаддимасида қуйидагича баён қилган: “Асарда салафи солиҳлар жамлаган масалалар кўплиги эътиборидан муаллиф асарни “Канз - хазина” ва ушбу масалалар ниҳоятда қисқа ва нозик тарзда баён қилингани сабабидан “дақоиқ - нозик” деб номлаган. Асар қийин ва мушкил ўринлардан холи ҳамда одамлар муҳтож бўладиган “Фатво” ва “Воқеот” масалалари билан зийнатланган”[7].

Ҳанафий мазҳаб уламолари ушбу асарга кўп аҳамият қаратганлари ва улар наздида юқори даражага эга эканлигидан асарга ёзилган шарҳ, таълиқ, ҳошия ва манзумаларюздан ортади. Ҳатто кейинчалик имом, фақих, қози ва муфтийлик даражасига етган йигирмадан ортиқ илм толиблари ёдлаб чиққан[8].

Муаллиф ушбу қисқа асарда фиқҳнинг барча бобига тегишли қирқ мингта масалани келтирган. Бироқ ушбу масалаларнинг бирортасини далили зикр қилинмасдан, гоҳо иллатлари баён қилиб кетилган холос. Энг муҳими одамлар ўртасида кўп воқеъ бўладиган масалалар билан чекланиб, нодир масалаларга тўхталмаган. Асарда барча масалалар имом Абу Ҳанифа раҳматуллоҳу алайҳнинг сўзи асосида келтирилган. Фақат ўнтага яқин масалада икки имомнинг сўзи олинган. Шу сабабдан ҳам асарни ўқиган киши ҳанафий мазҳаби фақат имом Абу Ҳанифа раҳматуллоҳу алайҳнинг сўзидан иборат бўлса керак, деган фикрга бориб қолади.

Юқорида айтилганидек, асарда далиллар ва ихтилофларга тўхталмаган, балки машҳур мужтаҳидларнинг исмларига белги қилиб, бош ҳарфлари берилган холос. Масалан, “ҳа” ҳарфи Абу Ҳанифа, “син” Абу Юсуф, “мим” Мухаммад, “за” Зуфар, “фо” Шофиий, “коф” Молик, “вов” ҳанафий мазҳаби олимлари ривоятлари учун белги қилиб олинган [9].

Асар Имом Абу Ҳанифанинг машҳур шогирдлари имом Муҳаммаднинг “ал-Жомиъус-сафир”, “ал-Жомиъул-кабир”, “аз-Зиёдот” (Зиёда масалалар) асарлари ҳамда Имом Қудурийнинг “Мухтасарул-Қудурий”, Имом Абу Ҳафс Насафийнинг “Манзуматул-хилафият» (Қиёсий хуқуқшуносликка оид назм) ва фатво китобларидағи турли масалаларни ўзида жамлаган. У фиқҳга оид барча китоблар каби таҳорат китобидан бошланган. Лекин “Ҳидоя”, “Мухтасарул-виқоя” (Виқоянинг қисқартирилгани) каби асарлардан фарқли ўлароқ “фароиз”, яъни мерос илми боби ҳам киритилган. Асар тартиб жиҳатидан Муҳаммад ибн



Ҳасаннинг “ал-Жомиъус-сафир” китобига ўхшаб яхши тартибланган ҳамда дақиқ сўзлар, қисқа ва лўнда иборалар қўлланилган.

Асарнинг иборалари қисқалигидан ташқари, яна ўзига хос бир жиҳати фиқҳий масалалар баён қилинган ўринда кўринади. Яъни, бир масалани баён қилишда айрим ўринда масала тўлиқ берилмаган. Фақат муаллифнинг ўзи тушунадиган ҳарфлардан ташкил топган сўз келтирилган. Ҳар бир ҳарф хос бир сўзга далолат қилиб, бундан муаллиф нимани ирова қилганини бошқа фиқҳий манбаларда келган шунга тегишли масалалар орқали билиб олинади. Бунга қўйдагиларни мисол қилиш мумкин:

Муаллиф асарнинг “Сувнинг ҳукмлари” бобида “Кудуқ масаласи “жаҳт”дир”, деган. Бу билан “Агар бир жунуб одам суви бор қудуққа тушиб кетса, ушбу одам ва сувнинг поклик ҳукми нима бўлади?” деган масалага жавоб беришни кўзлаган. Масаланинг баёни: И мом Абу Ҳанифанинг наздида одам (нажас) нопоклигига қолади ва сувни ҳам нопок қиласи. Бунга “ж” ҳарфи билан ишора қилган. И мом Абу Юсуфнинг наздида одам нопоклигига ва сув ўз пок ҳолида қолади. Бунга “ҳ” ҳарфи билан ишора қилган. И мом Муҳаммаднинг наздида одам покланади ва сув (тоҳир) поклигича қолади. Бунга “ъ- т” ҳарфи билан ишора қилган. Яъни, “нажас” сўзидағи “ж”, “ҳоли” сўзидағи “ҳ” ва “тоҳир” сўзидағи “т” ҳарфларини олиб, “жаҳт” деб ишора қилган.

“Намоз китоби”да булутли кунда шошилтириб ўқиш суннат бўлган намозларни баён қилишда “булутли кунда “айн” ҳарфи бор намозлар...”, деган. Бу билан “аср” ва “хуфтон” намозларини ирова қиласи.

Муаллиф мана шунга ўхшаш қисқартмаларни “намозда қўл кўтариш суннатлар бўлган ўринлар” ва “ҳибани қайтариб олиш мумкин бўлмаган ҳолатлар” каби масалаларни баён қилишда ҳам ишлатган.

Хулоса қилиб айтганда, бу китоб муҳтасар шаклда ёзилган манбаларнинг энг муҳтасари ҳисобланади. Бу асарни ўқиган толиби илм қисқа фурсатда фиқҳнинг барча бобларидан боҳабар бўлади. Хусусан, ҳанафий фиқҳи бўйича мазҳабдаги аслий масалаларни ўрганиб чиқади. Ўрни келганда кўпроқ фикр юритиб, мужмал жойларини кашф қилишга уринади. Бу эса фиқҳий масаларни тўғри тушунишга малакасини оширади. Тўғри тушунган фақих тўғри амал ва тўғри ҳаракат қилишга интилади. Зоро, Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом: “**Аллоҳ кимга яхшиликни ирова қиласа, уни динда фақиҳ қилиб қўяди**”, деганлар.

Демак, дин таълимотларини яхши тушунадиган бўлиш бандада учун катта баҳт-саодатдир, унга Аллоҳ таоло яхшиликни ирова қилганининг аломатидир. Яратган Эгамиз ҳаммамизни илмли, илмига амал қиласиган олим ва олима, солиҳ ва солиҳа инсонлардан қиласин! Амийн!



АДАБИЁТЛАР

- 1) А.Мадвалиев. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” 4-жилд. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. Тошкент: 2007. 350-б.
- 2) Ал-Қураший. Ал-Жавоҳирул музийя фи табақотил Ҳанафия. 2/295.
- 3) www.mehrob.uz Сайид Раҳматуллоҳ Термизий ҳафизаҳуллоҳ. Абу Муин Насафийнинг ҳаёти. 15.11.2017.
- 4) Ибн Туғрий Бурдий. Ал-Манҳалул софий вал муставфо баъдал вофий. 2/72.
- 5) Ибн Обидин. Роддул мухтор. 1/256.
- 6) Ҳ.Аминов. С.Примов. Ҳанафий фиқҳи тарихи, манбалари ва истилоҳлари. 174-бет.
- 7) Абул Баракот Насафий. Канзуд дақоик. 45-бет.
- 8) Абул Баракот Насафий. Канзуд дақоик. 47-бет.
- 9) Абул Баракот Насафий. Канзуд дақоик. 55-бет.